

Чорток тумани

2022 йил “19”юл

**BOBURJON MA'MURJON MIRZOXID MCHJ** номидан низом асосида иш юритувчи **М.Кишваров** бир томондан (бундан бўён матнда “Пудратчи” деб юритилади) хамда **Чорток туман ҳалқ таълими бўлими** номидан низом асосида иш юритувчи **Ф.Баходиров**, иккинчи томондан (бундан бўён матнда “Буюртмачи” деб юритилади) куйидагилар ҳақида мазкур шартномани туздик:

#### I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. “Пудратчи” **Чорток туман ХТБга қарашли 37-мактаб биноси фасад қисмини жорий таъмирлаш ишлари** мажбуриятини олади, “Буюртмачи” ушбу хизматларни ва товарларни кабул килиш ва ҳакини тўлаш мажбуриятини олади. Кўрсатиладиган хизматларнинг катъий турлари, миқдори ва баҳоси ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлган спецификацияда келтирилади.

#### II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУКЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

##### 2.1. Буюртмачининг ҳуқуклари:

- Пудратчидан техник шартларга лозим даражадаги хизматларни кўрсатишни талаб қилиш;
- лозим даражадаги сифатда хизмат кўрсатилмаган тақдирда, ўз хошиига кўра куйидагиларни талаб килиш:

– камчиликларни бепул бартараф этиш ёки Буюртмачининг ёки учинчи шахснинг камчиликларни бартараф этишга доир харажатларини қоплаш;

– баҳосини мутаносиб равиша пасайтириш;

– шартнома шартларининг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

##### 2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

– ушбу Шартнома шартларига мувофиқ кўрсатилган хизматларни кабул килиш;

– ушбу Шартноманинг 3.1 ва 3.2-бандларига мувофиқ кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш.

##### 2.3. Пудратчининг ҳуқуклари:

– буюртмачидан амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ва ҳажмда кўрсатилган хизматлар учун олдиндан тўлов ва яқуний хисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилиш;

– буюртмачидан бажарилган ишни қабул қилишни асоссиз равиша рад этиш натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

##### 2.4. Пудратчининг мажбуриятлари:

– ушбу шартномага мувофиқ ёки Буюртмачининг ушбу шартноманинг 4.8-бандида белгиланган тартибда у томонидан тақдим этилган техник топширикка биноан хизматларни белгиланган муддат, миқдор ва сифатлар бўйича кўрсатиш;

– агар хизмат кўрсатиш жараёнида Пудратчи шартларидан ва техник шартлардан четга чикса, Буюртмачининг талабига биноан уч кун ичida аниқланган барча камчиликларни бепул бартараф этиш.

#### III. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Ушбу шартноманинг баҳоси **134,356,232.00** (Бир юз ўттиз тўрт миллион уч юз эллик олти минг икки юз ўттиз икки) сўм, ҚҚС билан.

Кўрсатиладиган хизматларнинг баҳоси ушбу шартноманинг иловасида кўрсатилади.

3.2. Буюртмачи тақдим этиладиган хизматнинг 30 foизи миқдорида олдиндан тўловни амалга оширади ва маблаг Пудратчининг хисобрақамига келиб тушган санадан бошлаб ушбу шартноманинг мажбуриятлари бажарилиши бошланади.

Кўрсатилган хизматлар учун хисоб-китобнинг қолган қисми бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома имзоланганидан кейин уч иш куни ичida амалга оширилади.

3.3. Хизматлар бўйича хисоб-китоблар банк ўтказмаси орқали Пудратчининг хисоб ракамига ўтказиши ўйли билан амалга оширилади.

#### IV. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИШ

4.1. Шартнома шартлари ушбу шартнома ва конун ҳужжатлари талабларига мувофиқ белгиланган тартибда амалга оширилади.

Агар томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган бўлса, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартномани бажаришдан бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгаришишга йўл қўйилмайди, конунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши санаси ҳисобварак-фактура тузилган кун деб хисобланади.

Газначилик штампида кўрсатилган сана Буюртмачининг хизматлар учун тўловларни тўлаш бўйича мажбуриятларини бажарадиган кун ҳисобланади.

4.4. Буюртмачининг розилиги билан хизматлар муддатидан олдин тақдим этилиши мумкин.

4.5. Буюртмачи белгиланган муддатларни бузган ҳолда кўрсатилган хизматни қабул килишини рад этишга ҳаклиди.

4.6. Белгиланган миқдордан ортиқ битта номдаги хизматни кўрсатиш худди шу техник топширикка киритилган бошқа номдаги хизматнинг камчиликларини тўлдириш деб хисобланмайди, камчиликлар тўлдирилиши лозим, Буюртмачининг олдиндан ёзма розилиги билан амалга ошириладиган ҳолатлар бундан мустасно.

4.7. Кўрсатилаётган хизмат тўғридан-тўғри Буюртмачининг маъсул ходимлари томонидан тақдим этилаётган хизматлар ҳажми, уларнинг сифати кўрсатилган ҳисобварак-фактура бўйича қабул килинади.

Шартномада назарда тутилган хизматлар ушбу шартномага мувофик ёки ушбу шартномада белгиланган муддатларда ва ҳажмларда амалга оширилади.

Буюртма бевосита (кўлда), поча орқали ёки бошқа усул билан хизматларни кўрсатиш назарда тутилаётган сана бошланишидан беш кундан кечиктиримай тақдим этилади. Буюртма бевосита (кўлда) қабул килганда, Пудратчининг ходими Буюртмачида коладиган буюртма нусхасида қабул килинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.8. Буюртмачи илгари берилган буюртмани бекор килишга ёки хизматларнинг тегишли қисмини кўрсатиш санасини Пудратчини буюртмада кўрсатилган санадан камида бир кун олдин хабар берган ҳолда ўзгаришишга ҳақли.

## V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Тақдим этилаётган хизматларнинг сифати, миқдори, уларнинг баҳоси Пудратчи томонидан нотўғри белгиланганлик ҳолати аникланган тақдирда, Пудратчи тақдим этилаётган хизматларнинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб ишларини амалга оширади ва ушбу ҳисобланган суммага кўшимча равишида мижозга нотўғри ҳисобланган сумманинг 20% миқдорида жарима тўлайди.

5.2. Агар тақдим этилаётган хизматларнинг сифати шартномада кўрсатилган техник ва бошқа шартларнинг талабларига жавоб бермаса, айборд томон тақдим этилган сифати лозим даражада бўлмаган хизматлар баҳосининг 20% миқдорида жарима тўлайди.

5.3. Жарима ва пенядан ташқари, Пудратчи Буюртмачига хизматларни тақдим этмаслик натижасида этказилган зарарни коплайди.

5.4. Хизматлар кечиктирилган ёки кўрсатилмаган тақдирда, Пудратчи Буюртмачига ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, аммо жариманинг умумий миқдори кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани тўғри бажаришдан ва хизматларни кечиктириш ёки кўрсатмаслик оқибатида этказилган зарарни коплашдан озод қилмайди.

5.5. Кўрсатилган хизматлар учун тўловни ўз вактида тўламаган тақдирда, Буюртмачи Пудратчига ҳар бир кечиктирилган кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, лекин муддати ўтган тўлов миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.6. Буюртмачи шартноманинг тегишли шартини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликка тортилганда, тегишли харакат (харакатсизлик) натижасида Буюртмачи томонидан шартнома шартлари бажарилмаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) юзасидан Пудратчининг жавобгарлиги хам кўриб чиқилади.

Буюртмачининг Пудратчи айби билан шартномани бажармаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) натижасида этказилган зарар, белгиланган тартибда Пудратчи томонидан қопланади.

5.7. Томонларнинг ушбу шартномада кўзла тутилмаган жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофик ҳал килинади.

## VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Томонлар ўртасида ушбу келишувдан келиб чиқадиган низолар томонлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

6.2. Томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал қилинмаган низолар Тошкент шахар туманилараро иқтисодий судида ҳал қилинади.

## VII. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ



7.1. Агар ушбу шартнома тузилгандан сўнг, ушбу шартномада белгиланган мажбуриятларнинг бирон бир томонини тўлиқ ёки қисман тўғри бажаришига тўсқинлик киладиган ҳолатлар юзага келса ва агар бундай ҳолатлар, яъни ёнғин, тошкен, зилзила, бошка табиий оғатлар, экспорт ёки импортга тўсиклар ёки эмбарголар, уруш, жанговар ҳаракатлар, террористик ҳаракатлар, иш ташлашлар (томонлар ишчиларининг иш ташлашларидан ташқари), пандемия, амалдаги қонунчиликдаги ўзгаришлар, давлат органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан кабул қилинган умумий ҳарактердаги карорлар томонларнинг шартнома шартларини бажаришига бевосита таъсир килса, тегишли мажбуриятларнинг бажарилishi вакти бундай ҳолатлар бартараф этилган вактга ёки уларнинг оқибатлари тугаши вактига кўчирилади.

7.2. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган Томон, ушбу ҳолат ҳакида шунингдек, ҳолатнинг тахминий давомийлиги тўғрисида бошка Томонни ёзма равишда 7 (етти) кун ичida хабардор килиши шарт. Агар юкорида кўрсатилган ҳолатлар тўғрисида ўз вактида хабар берилмаган бўлса, енгиб бўлмас куч таъсирида зарар етказилган Томон ушбу ҳолатларни асос қилиб ололмайди.

7.3. Хабарномада кўрсатилган фактлар расмий манбалар томонидан берилган ҳужжатлар билан тасдиқланиши керак, шу жумладан, пресс-релизлар, бироқ улар билан чекланмаслик лозим. Бундай хабарноманинг йўқлиги, шунингдек тегишли далилларнинг йўқлиги ушбу томонни шартнома мажбуриятларини бажаришдан озод қилинишига асос сифатида юкоридаги ҳолатларни келтириш хукувидан маҳрум килади.

7.4. Фавқулодда вазиятлар юзага келган тақдирда, томонлар зудлик билан ўзаро музокаралар олиб борадилар ва фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ёки бартараф этиш максадида кўриладиган чоралар тўғрисида келишиб оладилар.

7.5. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари томонларнинг ўз мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик киладиган бўлса, томонларнинг ҳар бири бошка томонга ушбу шартномани бекор килишнинг кутилаётган санасидан 10 (үн) иш куни олдин ёзма равишда хабар юборганидан кейин ушбу шартномани бекор қилиш хукукига эга. Бундай ҳолда томонларнинг ҳеч бири бошка томондан форс-мажор ҳолатлари натижасида етказилган зарарни коплашни талаб қилишга ҳакли эмас. Шунингдек, Пудратчи бажарилмаган мажбуриятлари учун Буюртмачидан олинган барча тўловларни Буюртмачига кайтаради ва Буюртмачи Пудратчининг бажарилган барча мажбуриятларини тўлиқ тўлади.

### **VIII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ**

8.1. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари ҳар кандай ноконуний устунликларга ёки бошка ноконуний мақсадларга эришиш учун бевосита ёки билвосита пул маблағлари ёки кимматликларни тўлашни амалга оширмайди.

8.2. Ушбу Шартнома мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари пора бериш/олиш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва ҳалкаро ҳужжатларнинг талабларини бузадиган ҳаракатларни амалга оширмайдилар. Жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга карши курашишга оид ҳалкаро ҳужжатлар талабларини бузилиши каби ҳаракатларни амалга оширмайди.

8.3. Ушбу Шартнома Томонларининг ҳар бири бошка Томоннинг ходимларини ҳар кандай тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул маблағлари, совғалар бериш, уларга иш (хизматлар)ни бендул бажарини ва ушбу бандда кўрсатилмаган бошка усуулар билан ходимнинг рағбатлантирувчи томон фойдасига ҳар кандай ҳаракатларни содир этишдан бош торгади.

Ходимнинг уни рағбатлантирувчи томон фойдасига амалга оширган ҳаракатлари деганда қўйидагилар тушунилади:

- бошка контрагентлар билан тақкослаганда асоссиз устунликларни тақдим этиш;
- ҳар кандай кафолатлар билан таъминлаш;
- амалдаги тартиб-таомилларни тезлаштириш;
- ходим томонидан ўз вазифалари доирасида амалга ошириладиган, аммо Томонлар ўртасидаги муносабатларнинг шаффоғлиги ва очиқлиги тамоийлларига зид бўлган бошка ҳаракатлар.

8.4. Агар Томонлардан бири мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган коррупцияга қарши курашиш шартларини бузган ёки бузилиши мумкин деб гумон килса, иккинчи Томонни ёзма равишда хабардор килишга мажбур. Ёзма хабарномадан сўнг, тегишли Томон ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилishiни бузилиш содир бўлмаганлиги ёки содир бўлмаслиги тасдиқлангунга кадар тўхтатиб туришга ҳакли. Ушбу тасдиқ ёзма хабарнома юборилган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичida юборилиши керак.

8.5. Ёзма хабарномада Томон контрагент, унинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари томонидан ушбу шартлар ва коидаларнинг бузилганлиги ёки бузилиши мумкинлигини ишончли тарзда тасдиқлайдиган ёки асослаши мумкин бўлган фактларга таяниши ёки тегишли материалларни тақдим этишга мажбур, яъни пора олиш/бериш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга карши кураш бўйича ҳалкаро ҳужжатлар талабларини бузадиган ҳаракатлар асослантирилиши лозим.



8.6. Шартноманинг тарафлари коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриш тартиб-таомилларини тан олади ва уларга риоя этилишини назорат қилади. Бунда Томонлар коррупциявий фаолият билан шуғулланиши мумкин бўлган контрагентлар билан ишбилармонлик муносабатлари хавфини минималлаштириш, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш мақсадида бир-бирига ўзаро ёрдам бериш учун оқилона ҳаракатларни амалга оширадилар. Шунингдек, Томонлар коррупциявий фаолиятга Томонларининг иштироки хавфини олдини олиш мақсадида текширувлар ўтказиш тартиб-таомилларини амалга оширилишини таъминлайдилар.

8.7. Томонлар ўзларининг содир этилиши мумкин бўлган ноконуний хатти-харакатлари ва ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиб шартларининг бузилиши контрагентнинг ишончлилиги рейтингини пасайтиришидан тортиб ушбу шартноманинг бекор килинишигача бўлган нохуш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тан олади.

8.8. Томонлар маҳфийлик тамойилларига риоя қилган холда ушбу Шартномани бажариш доирасида келтирилган фактлар бўйича тегишли тартиб-таомиллар амалга оширилишини ва амалий қийинчиликларни бартараф этиш ва юзага келиши мумкин бўлган низоли вазиятларнинг олдини олиш бўйича самарали чораларни кўллашни кафолатлайдилар.

8.9. Томонлар ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиб шартларини бажариш бўйича тўлиқ маҳфийликни, шунингдек, талаблар бузилганлиги фактлари тўғрисида хабар берган Томон учун ҳам, шунингдек, хабар берган Томоннинг ходимлари учун ҳам салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

## IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

9.1. Ушбу шартнома Томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

9.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар ушбу шартноманинг барча шартлари бажарилганда ва ҳисобкитоблар тўлиқ амалга оширилганда тугайди.

## X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Ушбу Шартнома томонларнинг келишуви билан ёки Томонлардан бирининг талабига биноан, бошқа томон томонидан шартнома шартлари сезиларли даражада бузилган тақдирда суд томонидан бекор килиниши мумкин.

10.2. Ушбу шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат ёзма равишда тузилган ва тарафларнинг тегишли ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирда амал қилади.

10.3. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

10.4. Ушбу шартнома, унга киритилган ўзгартиришлар (қўшимчалар) томонлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб оширилади.

## XI. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ

*Пудратчи:*

BOBURJON MA'MURJON MIRZOXID MCHJ  
Манзил: Чортотқ туман Короскон шахарча  
Истиқлол МФЙ Ёшлиқ кўча 73-үй

Х/Р: 2020 8000 4050 6502 2001

Банк номи: АТБ Агробанк Чортотқ  
филиали

МФО: 00256

ИНН: 306362305

ОКЭД: \_\_\_\_\_

Пудратчи:

М.Кишваров



*Буюртмачи:*

Чортотқ туман ҳалқ таълимни бўлими  
Манзил: Чортотқ шахар Истиқлол хиёбони  
кўча 6-үй

Р/с:

Л/с: 100022860142367092100075071

Банк реквизитлари: М.Б. ХККМ


МФО : 00014

ИНН: 200107722

ОКЭД: \_\_\_\_\_

Буюртмачи:

Ф.Баҳодиров



Ҳужжат сиктари орнест: BOYOZOV XURSHIDBEK YUNUSALI O'G'LII. Ҳужжат рақами: GM2018460508

2528791



Yundik shaxs (tadbirkorlik subyeklini) davlat ro'yxalidan o'tkezilganligi to'g'nsida  
**GUVOHNOMA**

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyesining

"BOBURJON MA'MURJON MIRZOXID" Mas'uliyati cheklangan jam'iyyat

(Yundik shaxsing - tadbirkorlik subyektlining tashkiliy-huquq shaxsi va hujjatni holding to'lg'osi)

"BOBURJON MA'MURJON MIRZOXID" MChJ

(Yuridik shaxsing chegaraligiga naroq)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxaliden o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

24.04.2019

715377

ro'yxat raqami: yozuv kontiliganligi ta'sdiqlansadi

Shaxsning qo'shimcha ma'lumotlari:

Soliq lo'voychining identifikasiya raqami (SIR):

306362305

Tashkilly-huquqiy  
shaxsi

Mas'uliyati cheklangan jam'iyyat

Javoblashgan joyi


Namangan viloyati, Chortoq tumani, Koroskon, Iatig'ol MFY, Yoshlik  
ko'chasi 72 uy.

Guvohnoma:

Namangan viloyati, Chortoq tumani, DAVLAT  
XIZMATLARI MARKAZI

tomonidan  
berilgen

ro'yxatni o'tkazish uchun surʼati 1000 soʻm



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO ‘G‘RISIDA  
HUQUQIY XULOSA**

1. Loyihaning turi: Shartnoma № 2/07

2. Loyihaning nomi:

Chortoq tuman Xalq ta‘limi bo‘limi va “BOBURJON MA‘MURJON MIRZOXID” MCHJ o‘rtasida tuzilgan maishiy-pudrat shartnomasi to‘g‘risida.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma‘lumot:

Chortoq tuman Xalq ta‘limi bo‘limi tomonidan 2022-yil 19-iyul kuni ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Markaz bosh yuriskonsulti**



**X.Boyozov**